



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 25 ” mart

Қ-217 -son

Termiz sh.

**Шўрчи тумани “Какан” маҳалласи худудидан  
“Тожимурод Зиё файз” фермер хўжалигига  
“Чорва комплекси” қурилиши учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/153-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 13 январдаги 07-сон хулосаси, Шўрчи тумани ҳокимининг 2020 йил 04 ноябрдаги 01-05/763-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Шўрчи тумани “Какан” маҳалласи худудидан “Тожимурод Зиё файз” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 331қ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Чорвачилик комплекси” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “Тожимурод Зиё файз” фермер хўжалиги 1,0 гектар яйлов ер майдониға “Чорва комплекси” қурилиши учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 037 400 (ўн уч миллион ўттиз етти минг тўрт юз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалға оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов